

## ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ КЛАСТЕРИ ШАРОИТИДА “ИҚТИСОДИЙ БИЛИМ АСОСЛАРИ” ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ ПЕДАГОГИК ИМКОНИАТЛАРИ

**Расулов Акбаржон Номозович**

*Чирчиқ давлат педагогика университети*

*Мақтаб менежменти кафедраси мудири н.ф.ф.д.(PhD)*

**Аннотация:** *Мақолада Замонавий таълим кластери шароитида “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитишнинг педагогик имкониятлари тўғрисида фикр юритилиб, баркамол шахсни тарбиялашнинг самарали фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш ҳақида тавсиялар берилган.*

**Таянч сўз ва иборалар:** *Замонавий таълим, инновация, географик стратегия, ишлаб-чиқариш, ижтимоий-иқтисодий янгиланиш, ахборот коммуникация технология, педагогик таълим кластери, таҳлилий-статистик, қиёсий-таққослаш, моделлаштириш, инсон ресурсларининг интеграциялашуви, таълим-тарбия, педагогик жараён, таълим кластери, технология.*

**Аннотация:** *В статье рассматриваются педагогические возможности преподавания «Основ экономических знаний» в условиях Кластера современного образования, а также даются рекомендации по совершенствованию механизмов эффективного использования воспитания всесторонне развитой личности.*

**Key words and phrases:** *Modern education, innovation, geographic strategy, production, socio-economic renewal, information communication technology, pedagogical education cluster, analytical-statistical, comparative-comparison, modeling, integration of human resources, education, pedagogical process, educational cluster, technology.*

**Annotation:** *The article discusses the pedagogical possibilities of teaching "Basics of Economic Knowledge" in the context of the Modern Education Cluster, and gives recommendations on improving the mechanisms of effective use of educating a well-rounded person.*

**Ключевые слова и фразы:** *Современное образование, инновации, географическая стратегия, производство, социально-экономическое обновление, информационно-коммуникационные технологии, кластер педагогического образования, аналитико-статистический, сравнительно-сравнительный, моделирование, интеграция человеческих ресурсов, образование, педагогический процесс, образовательный кластер, технологии.*

Янги Ўзбекистон шароитида педагогик таълим кластерининг субъектлари сифатида педагогик таълим кластери муассасаларнинг таълимий, илмий, услубий фаолиятининг сифатини оширишга хизмат қиладиган барча давлат ва нодавлат ташкилотларини педагогик таълим кластерининг компонентлари деб тушуниш мумкин. Кластер модели ҳар бири алоҳида фаолият олиб бораётган

субъектларни умумий мақсад атрофида бирлаштиради ва айни пайтда, ҳар бир субъект умумий мақсаддан келиб чиққан ҳолда, хусусий манфаатдорликда иш юритади. Кластер модели субъектлари бир-бирини қўллаб-қувватлайди ва назорат қилади, ҳар бири алоҳида кластернинг маънавий ва интеллектуал майдонини яратади, ўзаро ижтимоий таъсири ҳамда аҳамиятини кенгайтиради. Шунингдек, педагогик таълим кластери субъектлари қуйидаги стратегияларга асосланади:

худуд нуқтаи-назаридан географик стратегияга;

ишлаб чиқариш ва академик илм-фан билан муносабатига кўра лотераль стратегияга;

таълим ва тарбия технологияларидаги яқинлик нуқтаи-назаридан технологик стратегияга;

умумий мақсад атрофида бирлашиш нуқтаи назаридан фокусли стратегияга;

ҳамкорликни қандай ташкил қилиш ва ривожлантириш нуқтаи назаридан сифат стратегияларга асосланади.

Субъектларнинг бир пайтнинг ўзида бир нечта стратегик фаолият олиб бориши ва унинг фокусини кластернинг ҳам умумий, ҳам хусусий мақсадларига тўғрилаш анчайин мураккаб жараён ҳисобланади. Аммо бу мураккабликни илмий ва амалий нуқтаи назардан ҳал қилиш кластерлаштириш жараёнининг асосий шарти ҳисобланади. Кластер доирасида бир нечта субъектларни ўзаро интеграциялаш мураккаб, кўп тармоқли илмий-амалий жараёндир.

Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, таълим кластери ўзбек педагогикасида инноватция бўлиб, ўзида нафақат таълим турлари ўртасидаги, балки фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграциялашув жараёнларини, шунингдек, таълимни бошқариш, таълим воситалари ва шакллари билан боғлиқ соҳаларни ҳам қамраб олади.

Илмий адабиётларда кластер таркибига кирувчи субъектлар ўзлари ишлаб чиқарувчи маҳсулотларнинг, ахборот ва билимларнинг хусусиятларига кўра алоқаларнинг шакли, ўзаро ҳамкорликнинг тузилиши, иштирокчилар фаолиятининг хусусияти, пайдо бўлиш табиати, асосий ресурснинг хили, кафилланганлик даражаси ва географик таркибий қисмнинг мавжудлиги бўйича таснифланади.

Мамлакатимизда таълим сиёсатининг тамойилларидан ва мавжуд шарт-шароитдан келиб чиққан ҳолда педагогик таълим кластерининг қуйидаги тамойилларини таклиф қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

- табиий алоқадорлик: кластер субъектлари ўртасидаги ҳамкорлик, алоқадорлик масаласининг табиийлиги, яъни боғлиқлик масаласининг ҳудудий, соҳавий ёки вазифавий жиҳатдан объективлиги.

- узвийлик ва узлуксизлик, кластер субъектларининг ўзаро боғлиқликда занжир ҳосил қилиши, занжирни ҳосил қилувчи ҳар бир бўғин ўзининг аниқ

вазифаларига эга эканлиги, узлуксизлик занжирида бўшлиқларга йўл қўйилмаслигидир.

- изчиллик, кластер субъектларининг вертикал ягона чизиқда жойлашуви, бунда қуйидан юқорига, оддийдан мураккабга қараб босқичма-босқич ҳаракатланиш тенденциясига амал қилинишидир.

- ворисийлик, кластернинг авлодлар алмашинувидаги роли, тьюторлик фаолияти, педагогик таълимни кластерлаштириш натижасида субъектларнинг малакали педагог ходимларга бўлган эҳтиёжининг мунтазам қондирилишига эришишидир.

- замонавийлик, соҳага оид замонавий илм-фан ютуқларини тизимга жорий қилиш, илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш, ахборот-коммуникатция технологияларидан оқилона фойдаланишидир.

- йўналтирилганлик, кластер доирасида амалга оширилаётган ҳар бир фаолият турининг аниқ мақсадга йўналтирилганлиги, кутилаётган натижаларни олдиндан чамалаш ва баҳолаш имкониятининг мавжудлигидир.

- мақсаднинг умумийлиги, кластер субъектларининг хусусий мақсадларидан ташқари глобал аспектдаги ягона мақсад атрофида бирлашуви.

- манфаатларнинг хусусийлиги, педагогик таълим кластери моделида ҳар бир субъектининг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий жиҳатдан манфаатдор бўлишидир.

- ўзаро назорат, кластер модели доирасида бирлашган таълим субъектларининг ўзаро ягона тизимни ҳосил қилиши ва бу тизимнинг нуқсонсиз ишлашидан ҳар бир субъектнинг манфаатдор эканлиги, маълум субъектда йўл қўйилган хато ёки камчилик бошқа субъектларнинг фаолият самарадорлигига таъсир кўрсатиши, субъектлар фаолиятини ўзаро баҳолаш тизимининг йўлга қўйилишидир.

Ўқувчилар таълим жараёнида ўз-ўзини бошқариш ва назорат қилиш, самарали суҳбат олиб бориш, тенгдошлари билан ҳамкорликда ишлаш, уларнинг фикрларини тинглаш ва тушуниш, ҳурмат қилиш, мустақил, ижодий, танқидий фикрлаш, муқобил таклифларни илгари суриш, ўз фикр-мулоҳазаларини эркин баён қилиш, ўз нуқтаи-назарларини ҳимоя қилиш, муаммонинг ечимини топишга ҳаракат қилиш, мураккаб вазиятлардан чиқа олиш каби сифатларни шакллантиришга эришиш мумкин.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент : Ўзбекистон, 2016. - 45 б.
2. Шодмонов Ш.Ш., Ғофуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. -Т.: "Iqtisod-moliya", 2010. -528 бет.

3. Ёлмасов А., Вахобов А.В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. -Т.: "Iqtisodmoliya", 2014. -384 бет.

4. In M.Lewis& J.M. Haviland (Eds.). Handbook of emotions (2nd ed.). – N.Y.: Guilford, 2000. – P. 454 – 460